Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
10 598

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 27 март жума

Сотувда эркин нархда № 64 (1845)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ийд Ал-Адҳа — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга Америка Қўшма Штатлари халқининг Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини йўллайман. Ушбу байрам Сизга ва мамлакатингиз фуқароларига бахт-саодат келтирсин. Ислоҳотлар йўлидан бораётган Ўзбекистон равнақи йўлидаги фаолиятингизда Сизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги Давлатлараро Кенгаш мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев ҳамда Тожикистон Президенти И.Раҳмонов 26 март куни Тошкентга келди.

Ўзбекистон Президентининг Дўрмон қароргоҳида юқори мартабали меҳмонларни Президент Ислом Каримов қарши олди. Шу ерда Президентларнинг ўзаро музокаралари бошланди. Мулоқот чоғида Президентлар Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, халқаро ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоясига етгач, расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Учрашув кун тартибидан жой олган биринчи масала Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши бўлди. Томонлар ушбу масала бўйича ўз муносабатларини баён этди. Тожикистон Республикасининг Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида яқдил фикрга келинди.

Музокараларда халқаро консорциумлар тузиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари, БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (СПЕКА), Марказий Осиё батальони ("Центразбат") фаолияти, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, уч мамлакат Бош вазирлари кенгаши раислиги, Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида шу кунга қадар имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида давом этаётган ҳамкорлик ўзининг ижобий самараларини бераётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ушбу шартнома доирасида йирик халқаро консорциумлар тузишга алоҳида эътибор қаратилаётганини юқори баҳолаш мумкин. Бу орқали минтақага чет эл инвестициясини жалб этиш имкониятлари янада кенгаяди. Музокараларда БМТнинг ЭКЕ, ЭСКАТО ташкилотлари, Россия Федерацияси вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Музокаралар сўнггида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил 30 апрелда имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги Протокол, минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт давлат раҳбарларининг Баёноти, Халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги Қарор, тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги Битим, шунингдек "Центразбат-97" ўқув машқлари якуни ва "Центразбат-98" машқларни ўтказиш тўғрисида, Шартнома доирасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш тартиби тўғрисида, тўрт мамлакат Бош вазирлари кенгаши раиси ҳақида ва Давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарорлар, Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури (СПЕКА) тўғрисидаги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот конференцияси бўлди.

Матбуот конференциясида журналистларни қизиқтирган асосий масала мазкур шартномага аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида бўлди. Шу мазмундаги саволга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов, Тожикистон Республикасининг Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага қўшилганини муҳим воқеа сифатида таъкидлади.

— Ушбу воқеа бошқа мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортиши шубҳасиз, — деди Ислом Каримов. — Биринчидан, бу халқларимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш, ўтиш даври муаммоларини биргаликда бартараф этиш имкониятини кенгайтиради. Биз мавжуд табиий, иқтисодий, маънавий имкониятларимизни том маънода кенгайтираяпмиз. Ўзимизни бир бутун минтақа сифатида яна ҳам яққолроқ намоён этишимиз мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари фақат замонавийлик ёҳуд интеграция учунгина ҳамкорлик қилаётгани йўқ. Бунинг асл сабаби биз тарихан ўзаро яқин халқларимиз. Ягона иқтисодий макон барпо этиш шартномаси доирасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирганда эса бир нарсани таъкидлаш керакки, биронбир томоннинг манфаатларига зид келадиган қарор қабул қилмаймиз. Мавжуд қарорлар олдимизга қўйган мақсадларимизга мувофиқдир. Яна бир карра айтмоқчиманки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Бугунги учрашувда қабул қилинган баёнотда олдимизга қўйган мақсадимиз аниқ баён этилган. Фурсатдан фойдаланиб, учрашув иштирокчилари ва улар орқали қардош мамлакатлар халқларини барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Наврўз байрами билан қутлайман.

Матбуот анжуманида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бераётгани Президентлар томонидан таъкидланди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев барча интеграцион блоклар ичида айнан Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро иқтисодий интеграцияси йўлида имзоланган ҳамма ҳужжатлар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини айтди.

Президентлар МДҲ доирасидаги воқеалар, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда иқтисодиётга тааллуқли масалалар юзасидан ҳам ўз фикрларини баён этдилар.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Тошкент доимо муҳим қарорларни қабул қилишга кўмаклашиб келган, деган сўзлари Тошкент учрашувининг аҳамиятини яна бир карра таъкидлагандек бўлди. Ёдимизда борки, Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома ҳам бундан тўрт йил муқаддам Тошкентда имзоланган эди.

Сўнгра Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Давлатлараро Кенгаш мажлиси тугаганидан сўнг олий мартабали меҳмонлар Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентда қад кўтарган янги иншоотлар билан танишдилар.

Меҳмонлар дастлаб Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки янги биносига таш риф буюрдилар. Йигирма икки қаватли бу пурвиқор бино ўз салобати билан Тошкентнинг ғурурию, мамлакатимизнинг фахрига айланган обидаларидан биридир. У ўзининг улуғворлиги, ҳашамдорлиги ҳамда нозик ва нафис ишлангани билангина эмас, балки энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани, мижозлар учун яратилган қулайликлари билан ҳам меҳмонлар диққатини тортди. Давлат раҳбарлари бу ерда ишнинг қандай йўлга қўйилгани, хусусан, банк операцияларини амалга ошириш жараёни, ахборот алмашув, тезкорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг олий даражали меҳмонлар "Юнусобод" теннис мажмуини бориб кўрдилар. Ушбу ажойиб мажмуанинг тўрт мингга яқин томошабинга мўлжалланган, устки қисми очилиб-ёпиладиган ҳашаматли теннис саройи меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Теннисдан ташқари спортнинг бошқа турларини ҳам ўтказишга мослаштирилган мазкур сарой ўзининг ташқи ва ички кўринишидаги шарқ ғарб меъморчилиги ва санъати уйғунлашиб кетган безаклари билан давлат раҳбарларининг диққатини жалб этди. Теннис мажмуи кўздан кечирилар экан, меҳмонлар бу ерда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий "Президент кубоги" мусобақалари, бошқа бир қанча тадбирлар ҳамда мажмуанинг барпо этилишига доир кўплаб саволларга жавоб олдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг, хусусан, Президент Ислом Каримовнинг мамлакатда спортни кенг тарғиб қилиш ва уни ривожлантиришга катта эътибор бераётганини юксак баҳоладилар.

(ЎзА)
А. ТЎРАЕВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда "Ўзбектеатр" бирлашмасини ташкил этиш билан боғлиқ ижодий, ташкилий, молиявий-хўжалик ва ишлаб-чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзбектеатр" бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси, театр ташкилотлари ва ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, мулкчилик шаклари ва қайси идорага тааллуқли эканидан қатъий назар, мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр-студиялари, халқ театрлари жамоалари ва бошқа тегишли ташкилотларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

4. "Ўзбектеатр" бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги инобатга олинсин:

театр ва театр-студиялар ижодий жамоаларини халқимизнинг бой маънавий дунёси, маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини мадҳ этувчи, истиқлолни улуғловчи ёрқин саҳна асарлари яратишга йўналтириш, шунингдек, ватанпарварлик ғояларини, миллий-эстетик тамойилларни тарғиб қилишга қаратилган ташаббус ва ҳаракатларни рағбатлантириш;

ўзбек халқ томоша санъатлари (халқ анъанавий театри, майдон томошалари, байрамлар) соҳасидаги бой тарихий меросни чуқур ўрганиш, тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари яратиш учун шарт-шароит туғдириш;

ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш, театрларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ашёлар билан таъминлаш;

театрлар жамоалари, режиссёрлар, драматурглар, бастакорлар, рассомлар ва балетмейстерларга долзарб мавзуларда буюртмалар бериш, республика ва халқаро миқёсда кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиш, хорижий мамлакатларга гастроллар уюштириш, илмий анжуман, симпозиум ва семинарлар ўтказиш, турли мукофот ва совринлар таъсис этиш;

иқтидорли ёшларни излаб топиш ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига яқиндан ёрдам бериш;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, "Камолот", "Умид", "Олтин мерос" ва бошқа жамғармалар ёрдамида ёш ижодкорлар санъатини тарғиб қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимизда ва чет элларда таълим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш.

5. Миллий театр ва оммавий томоша санъатлари ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида "Театр" ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали нашр этилсин.

6. Театр санъати маънавият ва маърифатни юксалтиришнинг қудратли воситаларидан бири эканлигини назарда тутиб, жойларда бу санъат ривожи билан боғлиқ ишларни изчил амалга ошириш масъулияти Маданият ишлари вазирлиги билан бир қаторда, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг зиммасига юклансин.

7."Ўзбектеатр" бирлашмасининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бирлашманинг "Артмадад" номли махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкин. Жамғарманинг таъсис мажлиси бир ой муддат ичида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма Низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Артмадад" жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг ҳисоб рақамига эллик миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси 49-, 51-уйларни таъмирласин ва уларга "Ўзбектеатр" бирлашмасининг марказий аппарати, унинг жамғармаси ҳамда Театр ижодкорлари уюшмасини жойлаштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги биргаликда Тошкент давлат санъат институтининг драма, мусиқали театр, қўғирчоқ театри, кино, телерадио, саҳна рассомлиги, санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш услубини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Республика театр ташкилотларининг, айниқса, вилоятлардаги театр муассасаларининг малакали драматург ва режиссёрларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий маълумотли, иқтидорли ёшлардан драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар ташкил этилсин. Белгилаб қўйилсинки, ушбу курслар давлат буюртмаси ва шартнома асосида фаолият юритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига кирувчи театр ташкилотларининг бинолари қурилиши ва таъмирланиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Тошкент давлат санъат институти ва унинг 400 ўринли ётоқхонаси янги биноларини лойиҳалаш ва қуриш учун тегишли маблағ ажратишни 1999-2000 йиллар режасига киритсин.

11. Театр ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат, Маданият ишлари вазирликлари ҳамда "Ўзбектеатр" бирлашмаси уч ой муддат ичида театр муассасаларининг ихтисослаштирилган тизимини, республика, вилоят, шаҳар, туман, халқ ва ҳаваскорлик ҳамда хусусий мақомлари ва ижодий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

Шу билан бирга, театр ташкилотларига қўшимча молиявий манбалар топиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида уларнинг гастроль-концерт ва шартномалар асосидаги бошқа хизмат фаолиятидан тушадиган маблағлари, ҳомийлик ва инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестицияларидан имтиёзли фойдаланиш ҳамда театр жамоасини рағбатлантириш тартибини белгилайдиган Низом икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

12. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси уч ой муддат ичида театр ижодий ходимларига квалификация бериш, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва бошқа мукофотларга тавсия этиш бўйича уларнинг, айниқса, ёшларнинг бутун фаолияти давомида касбий ва ижодий ўсиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олувчи Низом ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсинлар.

13. "Ўзбектеатр" бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда театр-томоша санъатларини, илмий-тадқиқот ва нашр ишларини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

Театр санъати ривожига ҳомийларни жалб қилиш мақсадида уларнинг фойдадан тўлайдиган солиқ бўйича базаси "Ўзбектеатр" бирлашмаси, унинг таркибидаги муассасалар ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни қоплаш учун маблағ ажратсин.

15. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 26 март.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ИНСОН МАНФААТИ — БОШ МАСАЛА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Олий Мажлис қўмиталарининг раислари, қўмита раиси ўринбосарлари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди раислари, прокуратура раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар.

Анжуманни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева олиб борди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа муддат ичида тараққиёт сари, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида дадил қадам қўйилди. Барча соҳаларда ислоҳотлар чуқур илдиз отди. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида қонунчилик ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси назоратини янада такомиллаштириш катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда қонунларни тайёрлаш, қабул қилиш, уларни ҳаётга тўла тадбиқ этиш, кечаётган ислоҳотлар жараёнини ҳуқуқий асослашнинг самарали тизими яратилган бўлиб, у ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилаяпти. Айни пайтда мамлакатимизда инсон манфаатларини тўлароқ таъминлаш йўлида қонун ҳужжатларини тайёрлашни янада такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Анжуман айни ана шу вазифани бажариш масаласига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоиловнинг «Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларини тайёрлашнинг хусусиятлари», Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидовнинг «Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги: аҳволи, муаммолари ва истиқболлари», Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари М. Гасановнинг «Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларини тайёрлашда хал-қаро тажрибадан фойдаланиш масалалари» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Маърузалар юзасидан сўзга чиққан анжуман қатнашчилари қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЕАТР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

26 март куни Алишер Навоий номидаги давлат Академик Катта театри олдидаги майдонда Халқаро театр кунига бағишлаб "Театр, оила ва экология" деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, халқаро ЭКОСАН жамғармаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорликда ташкил этган тадбирда театр санъати арбоблари, фахрийлари, драматурглар, ижодий уюшма ва идоралар, хорижий элчихоналар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни маданият ишлари вазири Х.Жўраев очди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов йиғилганларни байрам билан муборакбод этар экан, мамлакатимизда адабиёт, маданият ва санъатга эътибор тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг Халқаро театр куни арафасида чиқарган "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир исботидир. Бу Фармон асосида ташкил этиладиган "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошидаги Театр ижодкорлари уюшмаси театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда театр арбоблари фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг бу ғамхўрлиги барча тўпланганларни чексиз қувонтирди. Театр арбоблари уюшмаси раиси Б.Қориева бу Фармон санъаткорларга билдирилган юксак ишонч намунаси эканлигини, янги тузилажак бирлашма театр ва театр-студиялари жамоаларини халқимизнинг бой маданий мероси, маънавий дунёсини мадҳ этувчи саҳна асарлари яратишга илҳомлантиришини таъкидлади.

Тантанада Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Йозеф Мачишак, Халқаро ЭКОСАН жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Қ. Кучуев, Бастакорлар уюшмаси раиси Р. Абдуллаев сўзга чиқиб, йиғилганларни бу байрам билан табриклади.

Алишер Навоий номидаги, Ҳамза номидаги Академик театрлар санъаткорлари, "Томоша" болалар театр студияси қатнашчилари ижросида байрам концерти намойиш этилди.

(ЎзА)

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Бухорода "Аёл ва ҳуқуқ" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш, хотин-қизлар ижтимоий шароитини яхшилаш, уларнинг маданий-маърифий ва ҳуқуқий савиясини юксалтириш, оила манфаатларини таъминлаш, болалар тарбияси масалалари муҳокама этилди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова ана шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар Бухоро вилоятида бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш билан бирга, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмаслигига эътиборни жалб этдилар. Жумладан, кўпгина жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши учун зарур шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Бу борада маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари билан узвий алоқада иш олиб борилмаяпти.

Семинарда вилоят ҳокими С. Ҳусенов сўзга чиқди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

БОЗОР САБОҚЛАРИ

АКЦИЯ: БИЛГАНГА — СОФ ФОЙДАНИНГ КОНИ...

- Ҳуқуқий кафолат яратилди, амалий қадамлар қўйилмоқда
- Манфаатдорлик — муҳим омил
- Сармоя сарфи самара берсин
- Раҳбарки тушунмаса...

Ҳаётда мақсадни аниқлаб олиш ҳар қандай ҳаракатга мазмун бахш этади. Айтайлик, сиз ишлаётган корхонада акциялар сотиляпти. Хўш, бу имкониятдан қандай фойдаланиш керак? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин акция сотиб олишдан қандай мақсад кўзда тутилишини аниқлаб олайлик. Агар сиз корхона акциясига эга бўлсангиз уйингизда турган ортиқча жамғарма қадрсизланишдан сақланади. Ушбу маблағ халқ хўжалиги учун эҳтиёжманд жойга ишлатилади. Демак, бу ҳаракатингиз билан мамлакат ривожига ҳисса қўшасиз. Муайян вақт ўтгач, ихтиёрингиздаги акция ўз қийматини йўқотмаган ҳолда қўшимча даромад ҳадя қилади. Агар ўша маблағни уйингиздаги сандиғингизда сақлаганингизда бу пул инфляцияга учрарди, дивиденд олишингиз ҳақида гап ҳам бўлмасди. Йўл-йўлакай шуни таъкидлаш керакки, дунёда фақат бизнинг мамлакатимизда дивиденддан солиқ олинмайди. Акция эгасининг ўз ҳуқуқлари бор. У эски даврларда бўлгани каби шунчаки ишга келиб кетиш билан кифояланмайди. Балки соф фойда салмоғини кўпайтириш имконини берадиган қарорларни муҳокама этишга муайян ечимлар қабул қилишда шахсан қатнашишга ҳақлидир. Бошқача қилиб айтганда, қаерда акциядор ўзини ҳақиқий мулк эгаси деб ҳис қилса, ўша ерда ишлар яхши йўлга қўйилган ҳисобланади.

Хуллас, юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, акция нима, деган саволга жавоб берайлик. Акция — акционерлик жамияти чиқарган қимматли даромад келтирувчи қоғоздир. Инсоният тарихида акциялар XVII асрнинг бошларида аввал Голландия ва Англияда, сўнгра бошқа Европа мамлакатларида, кейинроқ АҚШда муомалага чиқарилган. Ўтган вақт ичида акцияларнинг ғоят кенг ва турли-туман хиллари ва шакллари ўйлаб топилган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида акционерлик жамиятларининг эркин сотиладиган акциялар чиқарилиши бошланди. Шуни айтиш керакки, бу қисқа даврда мулк шаклини ўзгартириш борасида ҳуқуқий кафолат яратиш ва амалий қадамлар қўйиш йўлида катта ишлар қилинди. Лекин ҳали ҳам бу соҳадаги ислоҳотларимиз кўзда тутилган даражада юришиб кетмаяпти. Қандай қилсак акциядор корхонанинг ҳақиқий эгасига айланади? Бунга лўнда қилиб, моддий манфаатдорликни йўлга қўйиш ҳисобига, дейиш мумкин. Лекин ана шу омил ишга солиниши учун бажарилиши керак бўлган юмушлар мажмуи борки, уни бир сўзда ифодалаб бўлмайди.

Аввало корхонани давлат тасарруфидан чиқаришдан қандай мақсад кўзланганини аниқлаб олайлик. Бозор иқтисодиёти қонунларига биноан илгари умумхалқ мулки деб аталган, аслида эгасиз мулкни аниқ мулкдорлар қўлига топшириш, шу тариқа янгича мулкий муносабатларни шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади. Айни пайтда иқтисодий аҳволи оғирлашган, хусусан тўлов қобилияти пасайган, айланма маблағлари етишмайдиган, технологик қайта қуролланиш учун маблағ танқислигига учраган корхоналарда акция чиқариб, уларни асосан ташқарига сотиш йўли билан янги молиявий ресурслар жалб этилади. Афсуски айрим ҳолларда давлат корхонасини ҳиссадорлик жамиятига айлантиришда (яъни, хусусийлаштиришда) акциянинг катта қисмини меҳнат жамоасига сотишга ажратишади. Ўзи иқтисодий ночор корхонанинг, катта фойда тугул иш ҳақини амаллаб тўлайдиган корхонанинг меҳнат жамоаси яна катта миқдорда акция сотиб олиш учун пулни қаердан топади? Бундай иш тутиш ўз навбатида, мулк шаклини ўзгартириш учун акциялар баҳосини (демак, корхона мулки баҳосини) сунъий равишда пасайтириш, талон-тарож қилиш учун замин яратади.

Равшанки, қимматли қоғоз ўз-ўзидан қимматли бўлиб қолавермайди. Унинг замиридаги сармоя ҳам пухта ўйлаб сарфланмаса фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Зотан, Президентимиз маърузаларида бу борадаги иқтисодий сиёсат қатъий ва аниқ баён этиляпти. Булар ишлаб чиқаришга серунум технологияларни жорий этиш, маҳсулот ёки хизмат бозорини йўлга қўйиш, монополияга чек қўйиб, рақобатбардош маҳсулотни имкон қадар экспорт қилиш ва ҳоказолардир.

Акциядан барака топаётган, ундан ҳосил бўлган сармоядан салмоқли самара олаётган жамоалар мамлакатимизда йил сайин кўпайиб бораётгани бозор муносабатларини таркиб топтиришнинг истиқболли эканлигидан дарак беради. Шундай корхоналардан бири «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятидир. Бу ерда серунум технология босқичма-босқич жорий этилаётгани туфайли муваффақиятлар қўлами тобора кенгаймоқда. Агар ҳиссадорлик жамияти 1996 йилда жами 104 миллион сўм фойда кўрган бўлса, ўтган йили умумий фойда 196 миллион сўмдан ошиб кетди. Шунча маблағнинг 96,4 миллион сўми дивиденд учун ажратилган. 1997 йилдан бошлаб акцияларнинг 25 фоизи хорижий инвесторга тааллуқли. Ҳиссадорлар ҳар дона акция учун йил якунида 495 сўм 67 тийиндан дивиденд олишди. Бу 1996 йилдагига нисбатан 65 сўм кўп демакдир. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш яхши қўйилганлиги туфайли 1997 йилда 2 миллион 666,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги цемент хорижга экспорт қилинди, бу борадаги ўсиш суръати 144,4 фоизни ташкил этди. Демак, истиқболли технологиялар жорий этилса, моддий манфаатдорлик омили таъминланса, янгидан-янги натижаларни қўлга киритиш учун ҳар қандай жойда имконият мавжуд.

Шундай мақсадларга эришиш учун бугунги кунда етарли ҳуқуқий кафолат яратилган. Албатта, инсон манфаатларини ҳимоя қилишни бош мақсад қилиб белгиланган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар амалдаги ижроси билангина қадрлидир. Хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичи ислоҳотларни жорий этишдаги танг Қарори муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳужжатларга биноан давлат ўз улушини сақлаб қоладиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг устав сармоясини шакллантириш чоғида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини давлатга кўпи билан 25 фоиз, меҳнат жамоасига кўпи билан 26 фоиз, хорижий инвесторга сотиш учун камида 25 фоиз, қолган қисми эркин савдога тақсимланиши кўзда тутилади. Ҳукумат қарорига кўра, Молия вазирлигида давлат улушига тегишли дивидендларни ҳисоблаш ва фойдаланиш масалаларини назорат қиладиган бошқарма ташкил этилди.

Биргина мазкур тузилма мутахассисларининг текширишлари жараёнида қатор ҳиссадорлик жамиятларида амалдаги қонунларга риоя қилинмаётгани аён бўлди. Ўтган йилнинг сўнгги тўрт ойи мобайнида162 та корхонада давлат улушидаги дивидендларга 228 миллион сўм кам ажратилгани аниқланди. Белгиланган қонунларга кўра, дивидендларнинг маълум қисми техникавий қайта қуролланишга ва реконструкцияга ажратилиши керак. Амалда эса юқоридаги корхоналарда 151 миллион сўм бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган.

Мавжуд қонун ва тартибларнинг бузилиш ҳолларини корхоналар мисолида қараб чиқсак, масала янада равшанлашади. «Электросигнал» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 53- моддасига хилоф равишда меҳнат жамоаси улушидаги ҳар дона акцияга 466 сўм, давлат улушидаги ҳар дона акцияга 104 сўм дивиденд ҳисобланган. Ҳолбуки, қонунда дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланиши аниқ кўрсатилган. Тошкентдаги «Тансиқ нон» ҳиссадорлик жамиятида 2 миллион сўмдан зиёд пул давлатга тушиши керак бўлган ҳолда акциядорлар реестрига киритилмай ХИФларга тўлаб юборилган. Бундан ташқари, «Капитал инвест» хусусийлаштириш инветиция фондига 560,1 минг сўмлик дивиденд нотўғри ҳисобланган. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида жойлаштирилмаган акция қисмига 198,9 миллион сўм дивиденд нотўғри ҳисобланган ва текширувдан кейин давлат бюджетига ўтказилган.

Термиз автобус-таксимотор саройи ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганига уч ярим йил бўлди. Корхона устав фонди 26 миллион 238 минг сўмни ташкил этади. Бу ерда ҳар бирининг номинал қиймати 200 сўм бўлган 131194 та акция чиқарилган. Унинг 8790 донаси корхонага меҳнати сингган кишиларга бепул тарқатилди. 3 миллион сўмлик акция (12,3 фоиз) меҳнат жамоасига тақсимланди. Хўш, бу ерда мулк шакли ўзгариши билан ишнинг бориши ўзгардими? Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бу саволга ижобий жавоб олиш имконини бермайди. Негаки, амалда ҳеч нарса ўзгармаган. Бундан ташқари, уч ярим йил муқаддам аҳвол қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Фарқ мутлақо йўқ десак унча тўғри келмас: эндиликда носоз техника салмоғи кўпайган. Ҳиссадорларнинг иқтисодий фикрлаши анчайин юзаки. Улар аҳволни яхшилаш учун нима қилиш кераклиги ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Айни пайтда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг камаймаётганлиги хўжалик субъектлари билан ҳисоб-китоб яхши йўлга қўйилмаганлигидан дарак беради. Чоршанби Бобоев, Абдурасул Тўхтаев, Шукур Азимов каби ҳиссадорлар билан суҳбатлашсангиз ишнинг олға кетмаётганига эҳтиёт қисмлар етишмаслигини айтишдан нарига ўтишмайди. Ҳолбуки, ҳар бир ҳиссадор фойда олиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиниши учун жон куйдириши, демак, чинакам мулк соҳиби эканлигини юракдан ҳис қилмоғи керак.

Шуниси ташвишланарлики, баъзи ҳолларда оддий ишчиларни қўйиб туринг, корхона раҳбарлари ҳам ислоҳотларнинг асосий мақсадини англаб етишмаяпти. Қизиқ, ўзлари тушуниб етмаган масалани бошқаларга қандай тарғиб қилиш мумкин? Баъзан мулк беихтиёр бошқарув қўлига ўтиб қолмоқда. Айрим ҳиссадорлик жамиятларида иш ҳақи ўрнига акция тарқатилмоқда. Бундай иш тутиш ҳиссадорларни акциядан бездирмайдими? Кўпгина корхоналарга хос касаллик: илгари тўланмай келган иш ҳақи дивиденд сифатида тақдим этиляпти. Бундан ҳам ночор ҳолат — акцияларни насияга сотишдир. Ахир аниқ сармоя келтирмаган акция нима наф беради? Бундай иш тутаётган раҳбарлар бир қарашда ўзларини жон куйдириб меҳнат қилаётгандек кўрсатмоқчи бўлишади. Оғизда янгича ишлаш тарафдори эканликларини айтишади. Аслида ўзларини ўзлари (жамиятни ҳам) алдаётганликларини англаб етмайдилар.

Бундан беш-олти йил муқаддам бир туман раҳбари акция сўзининг маъносини тушунтириб беролмаганига гувоҳ бўлгандим. Эндиликда бозор муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи бу калом кўпчиликка тушунарлидир. Айниқса, акция ёнида «дивиденд» сўзини талаффуз этсангиз ҳиссадорлар қулоғига ёқимли эшитилади. Ишга чинакам янгича муносабатда бўлинаётган, замон талабига монанд муҳит яратилган жойларда акция ўз имкониятларини тобора намоён этмоқда. Эндиги вазифа ҳамма жойда янгича ишлашга ўтиш, сарфланган сармоядан олиналиган соф фойда салмоғини оширишдан иборат. Булар корхона раҳбари фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиб қолади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

САНОАТ

МАҲСУЛОТ СОЗ-У, ХОМАШЁ ОЗ

Корақалпоқ диёрининг мевалари ширали, сабзавот ва резаворлари дори-дармонга бой бўлади. Баъзилар буни қуёшнинг саховатига, иккинчи бировлар Амударё сувининг шарофатига йўйсалар, бошқалар «ҳа, энди, еримизнинг тузи ҳам меъёрида-да» деб қўйишади. Нима бўлганда ҳам куйи Амударё бўйларида етиштириладиган сербарака гуруч бир ёқда турсин, қовун-тарвузларга ҳам, олма-узумга, помидор ва бодрингга ҳам узоқ-яқинлардан талабгорлар кўп.

Олтмишинчи йилларнинг охирларида ишга туширилган Нукус консерва заводи бу томонларда турдош корхоналар ичида энг йириги ҳисобланади. Мазкур корхона ўртача қувватда ишлаганда ҳам йилига ўнлаб миллион шартли банка мевали, сабзавотли, томатли консерваларни тайёрлаш имкониятига эга. Лекин имконият бошқа-ю, ундан фойдалана билиш бошқа. Корхонанинг иқтисодий аҳволи бундан икки-уч йил муқаддам ниҳоятда ёмонлашган эди. Заводдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кейинги силжишлари унинг раҳбариятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. 1996 йилнинг охирларида «Нукус консерва заводи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқарувига ёш мутахассис Ойбек Қўйлибоев келди. Айни пайтда бошқарув раиси ўринбосарлигига Сергей Ястовецкий, бош муҳосибликка Тожибой Назаримбетовлар ишга таклиф этилди.

Ишни корхона цехларини «тозалаш»дан бошлашди. Ортиқча ва ишламай турган ускуна ва линияларни битта жойга тўплашди. Жамият ҳисобидаги ҳар бир тийинни тежаб-тергаб харжлашди. Заводда сув сарфи учун ҳисоблагич ўрнатилди, мақсад ҳар ойда бир неча ўн минг сўмни тежаб қолиш эди. Буғ ва иссиқ сув линиялари деярли тўлиқ янгиланди. Томат пастаси ишлаб чиқариш, мураббо қайнатиш, мева қоқлаш линиялари ҳам қайта жиҳозланди янги буғ қозони ўрнатилди, Сувдан айланма усулда қайта фойдаланиш иншоотини қуриш ишларига киришилди.

– Ҳув, анови цех деворларидан тортилган қўша-қўша электр симларига қаранг,-дейди Сергей – уларнинг фақат битта-яримтасидагина электр қуввати бор. Бошқалари бекор турибди. Аввалига битта сим йўл ўтказилган, у ишламай қолгач, созлаш ўрнига ёнидан бошқа янгисини тортиб юбораверишган. Ҳозир ана шу симлар йиғиб олинди. Бир томондан тозалик, иккинчи томондан ҳали ишга яроқли қанча тахчил буюм заҳирага тушди.

– Янги ишга келган кунларим,– давом этади муовин,– томат пастаси тайёрлаш цехига келиб, ишни кузатиб турардим. Ишчилар деярли ярим кунлик иш вақтини бўш идишларни у ёқдан бу ёққа ташиш билан ўтказишарди. Бузилиб ётган электр машинани таъмирладик, унинг ҳаракат йўлларини белгиладик ва банкаларни ташишга қўйдик. Ҳам ишчилар қўл меҳнатидан холос бўлишди, ҳам иш унуми ортди. Хуллас, корхонада ишлар юришиб кетди.

1996 йилда жами 7,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхона ўтган йили бу кўрсаткични 32,8 миллион сўмга етказишга муваффақ бўлди.

Бир томондан корхона фаолиятида ўсиш, илгарилаш борга ўхшаб кўринади. Лекин... Бу 32,8 миллион сўмлик маҳсулот корхона тўлиқ қуввати уёқда турсин ўтган йилги режасининг 36 фоизинигина ташкил этади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак: ўтган йили корхонага хомашё етказиб берувчи хўжаликлар билан тузилган шартномаларга қатъий амал қилмаслик ҳоллари қаттиқ панд берди.

Завод ҳар йили Нукус туманидаги еттита хўжалик билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш бўйича шартномалар тузади. Шартномаларда хўжаликлар қанча маҳсулотни қайси муддатларда, қандай нархда етказиб бериш мажбуриятлари кўрсатилади. Лекин кўп ҳолларда бу гапларнинг ҳаммаси қоғозда қолиб кетади. Масалан, ўтган йили корхона хўжаликлардан шартнома асосида 5,3 минг тонна помидор олиши керак эди. Атиги 1,2 минг тонна беришди. Шунингдек, хўжаликлар 230 тонна ўрнига 9,1 тонна бодринг, 400 тонна ўрнига 5,3 тонна сабзи, 250 тонна ўрнига 4,9 тонна карам етказиб беришди, холос. Умуман олганда корхона шартномаларда кўрсатилган 6330 тонна ўрнига бор-йўғи 1448 тонна сабзавот қабул қилиб олган холос. Контрактация шартномаларига бундай салбий муносабатда бўлинганлиги оқибатида корхона ҳам ундан тайёр маҳсулотлар олиш бўйича шартномалар тузган ташкилотлар олдида ўз мажбуриятларини бажаролмай қолди. Ҳолбуки, корхона ўтган йили хўжаликлар тўлиқ етказиб бермаган 6330 минг тонна сабзавотни тўлиқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш ва уни истеъмолчиларга сотиш бўйича барча имкониятларга эга эди.

Негадир корхона билан шартномалар тузган ва ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармаган хўжаликларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Балки бунга Нукус консерва заводи ҳам, у билан шартнома тузган хўжаликлар ҳам битта ташкилот – «Нукус» агрофирмаси таркибига кириши сабаб бўлгандир. Аслида бунинг асосий сабаби тузилган шартномаларда томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ адо этмаган тақдирда уларга нисбатан ким томонидан қандай жазо тадбирлари кўрилиши аниқ белгиланмаганлигида бўлса керак.

Корхона раҳбарлари бу йилги контрактация шартномаларига катта масъулият билан ёндашяптилар. Шартномаларда томонлар мажбурияти ва жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилаётир.

«Нукус» консерва заводи келажагидан умид қилса бўладиган корхоналар сирасига киради. Ҳозирги кунда нафақат ўзимизда, балки яқин қўшни давлатларда ҳам бу корхонанинг табиий мазага эга маҳсулотларига катта эҳтиёж сезилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, корхона ҳали ўз қувватидан тўлиқ фойдаланаётгани йўқ. Агар у барча имкониятларни ишга солиб ўн миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаганида эди, у камида ярим миллиард сўм даромадга эга бўларди. Бундан ташқари мазкур завод деярли юз фоиз маҳаллий хомашёга ишлаган ҳолда ўз маҳсулотининг катта бўлагини четга экспорт қилиб, жарақ-жарақ валюта ишлаш имкониятига ҳам эга. Фикримизнинг далили сифатида «Нукус» консерва заводи жамоаси ўзлари тайёрлаётган томат пастасини катта миқдорда Россия бозорида сотишга мувоффақ бўлаётганини айтиб ўтиш ўринли бўлади.

Агар бозор иқтисодиёти талаблари тўлиқ бажарилса, тадбиркорлик билан иш юритилса ҳар қандай корхонада ютуқларга эришиш мумкин экан. Фақат кўндаланг турган муаммолар ўз вақтида ҳал этилиши, ечимини топиши лозим.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Навоий вилоятида ҳам ички ишлар бошқармаси ДАН бўлинмаси ходимлари йўлларда бўлаётган кўнгилсиз воқеаларни олдини олиш чораларини кўришмоқда.

Маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларининг юз беришига кўп ҳолларда мактаб ёшидаги болалар сабаб бўлишади. Шунинг учун назоратчилар ўқув масканларида бўлиб, болаларга йўл қоидаларини тушунтиришда кўмаклашаяпти.

СУРАТДА: вилоят ДАН бошқармаси ходимлари ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг муваффақиятли ўтишидан манфаатдор; милиция старшинаси Н. Раҳимова ва милиция кичик лейтенанти Ў. Ҳамроев Навоий шаҳридаги 8– ўрта мактабда ўқувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Т. НОРҚУЛОВ
олган суратлар.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

НЕФТНИНГ БАҲОСИ АРЗОНЛАШМОҚДА

Жаҳон бозорида нефтнинг баҳоси тобора пасайиб кетмоқда. Шу боис Саудия Арабистони пойтахтида Мексика, Венесуэла нефть саноати вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Дунёда қазиб олинаётган 20 фоиз нефть ушбу уч давлат ҳиссасига тўғри келади. Улар нефть қазиб чиқараётган ва экспорт қилаётган давлатлар ва компанияларга мурожаат қилиб, «қора олтин» қазиб чиқаришни кунига 1,5-2 миллион баррельга қисқартиришга даъват қилдилар.

АЙБЛОВ РАД ЭТИЛДИ

Буюк Британиянинг Ироқ «Сибирь ярасини» қўзғатувчи бактерияларни Лондонга контрабанда йўли билан олиб киришга уринмоқда, деган айблови Бағдодда кескин рад қилинди. Ироқ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларига қатъий амал қилаётгани ҳам яна бир бор таъкидланди.



Берлиннинг қадимий марказлари сайёҳларнинг энг севимли масканларидандир. Бу ерда ўрта асрлар турмуш тарзи билан бугунги ҳаёт бир-бирига уйғунлашиб кетган.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Пентагонда АҚШ ва Грузия мудофаа соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзоланди. Ҳужжатни ушбу мамлакатлар ҳарбий идораларининг раҳбарлари имзолашди.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОСИ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Россия ҳукуматининг кутилмаган истеъфосини ҳам мамлакатнинг ўзида, ҳам чет элларда муҳокама қилиш давом этмоқда. Истеъфога жўнатилган раҳбарлар эмас, бўлғуси номзодлар муҳокамалар мавзуси бўлмоқда. Кузатувчилар ҳукуматнинг аввалги аъзоларидан фақат Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Немцов, ташқи ишлар вазири Е. Примаков, мудофаа вазири И. Сергеевнинг ўз лавозимларида мустаҳкам туришибди, қолганларнинг тақдири эса ҳозирча номаълум, деган фикр билдиришмоқда. Ҳукумат бошлиғи вазифасини вақтинча ижро этаётган С. Кириенко ҳукуматнинг янги таркиби бўйича сиёсий партиялар вакиллари билан маслаҳатлашувларни қизғин давом эттирмоқда.

Россиядаги воқеаларга хориж оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Би-Би-Си радиосининг хабарига қараганда, Британия газеталари Б. Ельциннинг кутилмаган қароридан ҳайратда қолишган. «Таймс» газетасининг ёзишича Россиядаги вазият бундан кейин қай тарзда ривожланишини ҳеч ким айта олмайди. «Гардиан» газетаси эса Б. Ельцинни Россиядаги барқарорлик эмас, президентлик лавозими кўпроқ қизиқтириши маълум бўлди, деб ёзади.

ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВ

Тожикистоннинг Кофарниҳон тумани ҳудудида мухолифатчиларнинг назоратсиз қолган гуруҳи милиция бўлимига ҳужум қилган. 50 га яқин Мудофаа вазирлиги ҳарбийлари асир олинган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ички ишлар қўшинлари ва жангарилар билан тўқнашувда 15 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. Тинч аҳоли ўртасида ҳам қурбонлар бор. Жангарилар орасидаги қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Жангарилар билан музокараларда Тожикистон ҳукумати, миллий яраш комиссияси вакиллари ва БМТнинг ушбу мамлакатдаги махсус вакили Дитрих Меррем иштирок этмоқдалар. Мазкур қонли тўқнашув миллий яраш сиёсатига жиддий раҳна солиши мумкин.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

«Тошкентмебель»

Ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши қарорига асосан 1998 йил 10 апрель куни соат 10.00 да, «Тошкентмебель» Ҳиссадорлик жамиятининг мебеллар кўргазма павильонида акционерлар умумий мажлиси ўтказилади. Қатнашувчиларни рўйхатга олиш 10 апрелда, соат 8.30 да бошланади.

Кун тартиби:

1. «Тошкентмебель» Ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йилги молиявий хўжалик фаолияти ва 1998 йилги режалар ҳақида бошқарув ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссияси хулосаси.
3. Аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.
4. Дивидендларни тақсимлаш тартиби.
5. Низом жамғармаси қиймати ошиши ва акция иккинчи эмиссияси чиқарилиши муносабати билан жамият Низомига ўзгаришлар киритиш ва тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларини қисман ўзгартириш.
7. Ҳар хил масалалар.

521

ТЎЙХАТ

ҚУТЛАШГА АРЗИЙДИГАН ЙИГИТ

Бундан анча йил муқаддам Икром Ўтбосаров деган йигитча «Ленин учқуни», ҳозирги «Тонг юлдузи» деб аталмиш болалар газетига ишга келди. Биз, акалари дарров уни бағримизга олдик. Мана, шунгаям ўттиз йил бўлди. Бу орада қанчадан-қанча ходимлар болалар матбуотида ишлади. Заруратдан келганлари бу соҳани тарк этди. Асллари, тақдирини матбуот билан боғлаганлари ҳамон биз билан бирга нафас олиб келаяпти.

Кимга қандайдир-у, болалар матбуотида ишлаш ўта масъулиятли, ўта оғир. Энг аввало — майдони кичик. Ёзганинг нари борса, уч қоғоздан ошмаслиги керак. Каттасини саҳифаси кўтармайди. Мана шу уч қоғозни бола тилида, болалар оламини акс эттирган ҳолда ёзишинг керак. Битта фахрланадиган томони, болалар газети сўз устида ишлашни талаб қилади.

Шунданми, болалар газетининг бетакрор мактаби бор. Бугун катта матбуотда қанот ёзиб ишлаётган журналист дўстларимиз, ёзувчилик оламига кириб кетган талайгина шоиру ёзувчилар ҳудди шу нашрдан чиққан.

Икром Ўтбосаров деган иқтидорли журналист укамиз ҳам ана шу мактабнинг талабаси. Икромжон йигирма ёшида бизнинг қабталимизга кириб келган бўлса, роппа-роса бу газетада ўн беш йил болалар журналисти бўлиб хизмат қилди. Болалар ҳаёти, мактаб, таълим-тарбия ҳақида ёзаман деб республикамиз мактабларини кезиб чиқди. Шу ўн беш йил ичида юзлаб мақола, лавҳа ёзди. Қаламини чархлади. Ўзидан олдин бу даргоҳда ишлаганларга ҳавас қилди. Баринг ҳурматини жойига қўйиб иш ўрганди. Суҳбатларига қулоқ солди. Давраларига кирди. У махтаб ёзган аълочи ўқувчилар, турли тўгаракда касб-ҳунар ўрганган аъзолар, бугун бўй чўзиб, ўз ишларини бошқарадиган бўлди. Икромжоннинг қалами эса чархланиб бораверади. Фурсати етиб, Икромжон каттароқ қанот ёзиш учун катта матбуот эшигини қоқиб кирди. Бу энди «Қишлоқ ҳақиқати» (ҳозирги Қишлоқ ҳаёти») деган газета бўлди. Кеча мактаб кезиб юрган журналист укамизнинг сўзи қишлоқ, дала ҳавоси билан тўйинди. У энди каттароқ қадам ташлади. Деҳқонларимиз ҳақида ўқимишли, таҳлилга бой лавҳалар, очерклар битди. Шунинг натижаси ўлароқ, «Ўққиларга элтувчи йўллар» очерклар тўплами юзага келди.

Журналистнинг ёзувчи аҳлидан ажралиб турадиган бир жиҳати бор. Ёзувчи қай даражада асар ёзмасин, алоҳида китоб бўлиб нашр этилади. Китоб жавонида туради. Журналист қайси жанрда ижод қилмасин, газета сиҳифаларида, йиллик тахламлар қатида қолиб кетади. Асосийси, журналист ҳаёт билан, кундалик воқеа, жараён билан бирга яшайди. Ундан ҳозиржавоблик кутилади. Газетанинг умри шунақа. Бугунги сон чиқиши билан эртанги сон учун янги мақола ёзишинг керак. Қандай шароитда яшамасин, илиқ гап айтиб келган журналист қаддини ростлаб бораверади. Сўзини ҳам, ўзини ҳам газетхон яхши кўради. Икром Ўтбосаров ана шундай хислатга эга. Унинг ўз танлаган йўли, мавзуси бор. Бугун элликни қоралаган укамиз «Халқ сўзи»да ишламоқда. Яна денг, энг оғир мавзу бўлмиш иқтисодиёт масалалари билан шуғулланади. Нуфузли газетада саҳифа-саҳифа чиқиш қилади. Муҳими, ёзадиган гапини чуқур ҳис қилади.

Республикамизда маълум мавзуларни ёритувчи журналистлар энди пайдо бўлаяпти. Айниқса, бозор иқтисодиёти, молия масалалари билан шуғулланиш катта билимни талаб қилади. Икром, Ўтбосаровни иккиланмай «иқтисодчи журналист» дейиш мумкин. У бу соҳани деярли эгаллаб бўлди. Ҳар бир чиқишида буни яққол сезса бўлади. Бу масалада бизларнинг ҳам унга ҳавасимиз келади.

Икром Ўтбосаров энг биринчи ўз танлаган касбига садоқатини кўрсатиб келмоқда. Ана шу садоқати, илиқлиги билан ҳаммамизнинг меҳримизни қозонмоқда. Энди буёғини дадил айтишим мумкин. Элликка кириб айнимаган Икромжон юзга кирганида ҳам палаги тозалигини бемалол исботлаб бера олади. Негаки, ҳар маънода умрининг асосий чўққисига чиқиб олди. Қоғоз қоралаб, қора қозонини қайнатиб, сўзини сайратиб, давраларни яйратиб келаётган меҳнаткаш, заҳматкаш укамизнинг ҳали ёзадиган гапи кўп.

Сафар БАРНОЕВ.

БЕШАРИҚ ТАЖРИБАСИ

Мустақиллик йилларида бу туман инфратузилмасини тубдан ўзгартириб юборди

ИСЛОҲОТ ҚИШЛОҚҚА НИМА БЕРДИ?

лат корхонасини номигагина хусусийлаштириш билан иш битмаслигини раҳбарлар яхши билишарди. Муддаога эришиш учун, аввало, **акциядор ўзини ҳиссадорлик корхонасининг эгаси деб ҳисобламоғи зарур.** Бу — меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳар бири ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қўшимча инвестициялар киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини кенгайтириш каби жараёнларда иштирок этади дегани. Шундагина улар ўзларини ҳақиқий мулкдорлар деб ҳис қилиши мумкин.

Бу, албатта, осон иш эмас эди. Шуни ҳисобга олиб, раҳбарлар ва мутахассислар ишчи-хизматчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришди. Сўнгра номинал қиймати 100 сўмдан иборат бўлган 7 миллион 263 минг 600 сўмлик 72 минг 636 дона акция чиқарилди. Уни сотишда эса фабрикада узоқ йилдан буён ишлаб келаётган ва бугунги кунда ўз меҳнати ила жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган ишчиларга алоҳида имтиёз берилиб, ҳар бирининг 80-100 тадан акция харид қилишига имконият яратилди. Пировардида кутилганидан ҳам юқорироқ натижага эришилди. Ўша йилиёқ олинган соф фойда эвазига акцияларни чиқаришга сарфланган барча харажатлар қопланибгина қолмасдан, ишчи-хизматчиларга анча миқдорда дивиденд ҳам берилди.

1997 йилда эса корхонада **2349 тонна ялпи маҳсулот, шу жумладан, 743 тонна қимматбаҳо тиббиёт момиғи — жами 187 миллион 136 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.** Бундан ташқари, 220 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ҳам тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатилди.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, корхона йил сайин кенгайиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланаяпти. Айни кунларда янги технологияга асосланган ишлаб чиқариш мажмуи – йирик иншоот қурилиши жадал олиб борилмоқда. Эски цехлар эса қайта таъмирланаётир. Бу юмушларнинг ҳаммаси меҳнат аҳлининг кўз ўнгида амалга оширилмоқда. Ва ана шу ҳайратли ва мўъжизакор ишлар уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини тобора мустаҳкамлаб, янги-янги зафарларни қўлга киритишга даъват этмоқда.

II. «ЯККАТУТ» МУҲРИ БИЛАН

Биз юқорида туманда 11 та саноат корхонаси ишлаётганини айтиб ўтдик. Энг чекка юқори баҳо бериб, уни **вилоятдаги бошқа турдош корхоналарда тайёрланган шундай мосламаларнинг энг ихчами, серунум ва тўла қувват билан ишлайдигани, деб топишди.** Шу сабаб бўлди-ю, буюртмалар сони кўпайиб кетди. Ҳозиргача ана шу буюртмаларнинг 100 дан ортиғи қойилмақом этиб бажарилди.

Буюртмачилар орасида, ҳатто Россия, Белорусь, Молдова, Украина ва Болтиқбўйи республикаларининг тадбиркорлари ҳам бор. Уларга, албатта, сеялкалар керак эмас. Чет элликларни асосан чорвачилик машиналари қизиқтиради. Хусусан, хорижий бозорда **«УМС-Ф-80», «ОСТ-Ф-32», «КИТ-00.000», «КИТ-Ф-12» русумли механизмларнинг бозори чаққон.**

– Биз бу маҳсулотларни «Яккатутқишлоқмаш» муҳри билан ишлаб чиқаришдан аввал бозорни, ундаги талаб-эҳтиёжни синчиклаб ўргандик, – дейди жамоа корхонасининг раҳбари Солижон Илҳомов. — Шундан кейингина ишга киришдик. Натижа эса чакки бўлмаяпти.

– Демак, сизларда маркетинг хизмати ҳам йўлга қўйилган экан-да?.

– Бўлмаса-чи! Бусиз бугунги кунда бозор шароитларига мослашиш мушкул. Бу юмуш билан 4 нафар мутахассисимиз шуғулланмоқда.

Ҳақ гап. Мамлакатимиз раҳбари шу йил 25 февраль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **корхоналарнинг оғир молиявий аҳволга тушишининг сабабларидан бири — аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг раҳбарлари эса боқимандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан, ҳалигача давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтирибди.**

«Яккатутқишлоқмаш»да эса молия масаласида муаммо йўқ, омборларида ҳам тайёр маҳсулотлар қолиб кетмаяпти, раҳбарларига келсак, уларнинг ҳаммаси чегасидан тош чақнайдиган кишилардир.

Буни мана бу мисолдан ҳам билса бўлади. Корхонада асосий маҳсулотдан ташқари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган экан-да?

– Бўлмаса-чи! Бугунги кунда бозор шароитларига мослашиш мушкул. Бу юмуш билан 4 нафар мутахассисимиз шуғулланмоқда.

Ҳақ гап. Мамлакатимиз раҳбари шу йил 25 февраль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **корхоналарнинг оғир молиявий аҳволга тушишининг сабабларидан бири — аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг** ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб боряпти. **Болалар боғчалари ва мактабгача тарбия муассасалари учун спорт анжомлари, фермерлар учун енгил машина ёки мотоциклга тиркаловчи кичик аравачалар, ташкилотлар ва хонадонларга мўлжалланган газ ёқиш мосламалари, чўян панжаралар, кийим илгичлар ва бошқа ўнлаб буюмлар шулар сирасига киради.** Ушбу маҳсулотларнинг ҳар бири сифати ва ташқи безаги жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Муҳими, нархи арзон. Бу ўз навбатида мижозларнинг кўпайишини таъминламоқда. Тайёр маҳсулотларни харид қилиш мақсадида Яккатутга нафақат вилоят, балки водийнинг олис қишлоқларидан ҳам харидорлар оқиб келаётганининг боиси шунда.

Шуниси қувончлики, корхона маъмурияти ана шу ютуқлар салмоғи ва жозибасидан эсанкирамасдан, **барча муваффақиятларнинг омили ва бош сабабчиси — меҳнаткаш одамлару муҳандисларга ҳамиша ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, уларнинг шаънини ўрнига қўймоқда.** Энг янги далил. Куни кеча бу ерда «Наврўз» байрамига бағишлаб ажойиб шодиёна бўлиб ўтди. Унда кўклам неъматлари билан безатилган дастурхонга дошқозондан палов тортилди, ишчилару хизматчиларнинг барисига қимматбаҳо совғалар улашилди. Байрам тантаналари давомида эса **унинг қатнашчилари ўзларининг ал-Фарғоний, Амир Темур, Навоий, Бобур, Алпомиш авлодлари эканликларини яна бир бора ҳис этдилар.**

Бундай муборак ва шафоатли кун ҳар бир инсоннинг қалбида латиф шеъриятдек муҳрланиб қолади, одам боласининг бундай эъзозланиши унинг кучига-куч қўшиб, ажиб ишларга илҳомлантиради. Бунақа некбин кайфиятни дилига жо қилган кишининг меҳнат маҳсули қанақа бўлиши эса ҳаммага аён.

III. «БУ — МЕНИНГ МУЛКИМ»

Тумандаги **Коражийда қишлоғида Мамажон Холиқов деган киши яшайди.** У узоқ йиллар мобайнида турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган, Пайғамбар ёши сарҳадини аллақачон босиб ўтган бўлса-да, ҳануз қирчиллама йигитлардек ишлаб, ҳамқишлоқларига ибрат кўрсатмоқда. Қандай қилиб дейсизми?

Мамажон ака асли қишлоқда ўсган эмас-ми, пенсияга чиққач, туман марказидаги бирор идорада ўринбосар ёки қайсидир жамоат ташкилотининг фахрий раиси бўлиб ишлашни ўзига эп кўрмади. Кўнгли буюрган юмушнинг этагидан маҳкам тутди: **у «Наму-на» ширкатлар уюшмасидан шартнома асосида 5 гектар ер ажратиб олди-да, бола-чақаси билан бирга деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил этди.** Мана, беш йилдирки, **жамоада гектар ҳисобига 50 центнердан ошириб пахта етиштирилмоқда.** Агар такрорий экинлар ҳосили ҳам қўшиб ҳисобланса, **бир гектар майдондан 100 минг сўмдан зиёд даромад олинаяпти.** Бунинг сири нимада?

Оилавий пудратда! Бу усулнинг моҳияти нимадан иборат?

Оила – кичик, аммо аҳил ва мустаҳкам жамоа. **У, аввало, тасарруфидаги ерга «Бу –менинг мулким» дея қарайди, звенодаги механизациялашган ва қўлда бажариладиган барча юмушлар сифатини ўз назорати остига олади, иккинчидан, маблағлар сарф-харажати унинг ҳар бир аъзосининг бевосита кузатуви доирасида бўлади, яъни қилинмаган ишларни қўшиб ёзишга йўл қўйилмайди, учинчидан, илмфан янгиликлари ва илғорлар тажрибасини қўлланишга имкон туғдиради ва ниҳоят, тўртинчидан, бу бўлинмада уч авлод–кекса, ўрта ва кичик ёшдаги кишиларнинг табиий равишдаги бирлашуви содир бўладики, натижада катталар ўз билганини ёшларга ўргатадилар, ўсиб келаётган авлод эса меҳнат тарбиясини олади.** Шунинг учун ҳам **Президентимиз қишлоқда оила пудратини кенг татбиқ этишни қайта-қайта уктирмоқда, деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш деб ҳисобламоқда.**

Бу муҳим масала туман раҳбарларининг диққат марказида. Ўтган йили деҳқонлар пахта тайёрлаш давлат буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб адо этган экан, буни янги усул барча хўжаликларда жорий қилинганининг шарофати деб баҳоламоқ лозим.

Шу билан бирга, Бешарикда **яна бир устувор йўналиш– кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.** Масалан, 1997 йилда туманда 189 та кичик корхона фаолият кўрсатган бўлса, жорий йилнинг икки ойида уларнинг сафига яна 12 таси қўшилди. Бу борада, айниқса, «Рапқон» жамоа хўжалигида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда бу хўжаликда **300 тонна пахта толасини қайта ишлайдиган йигирув цехи, 10 тонна қуруқ пиллани йигирадиган ипак цехи, 500 минг банка маҳсулот тайёрлайдиган консерва цехи, 5 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарадиган цех, шунингдек, ёғочни қайта ишлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, терини ошлаш, гилам, атлас тўқиш, кигиз босиш, ғишт ишлаб чиқариш ва мебель шохобчалари, тегирмон, новвойхона, чойхона, оқ жувоз гуриллаб ишлаб турибди.** Жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Собиржон Пўлатовнинг айтишича, уларда 550 нафардан кўпроқ рапқонликлар меҳнат қилишаяпти. Бу кўрсаткич жамоа аъзолари сони билан қарийб тенгдир. Фойда ҳам салмоқли. Ана шу корхоналардан тушаётган даромад ҳисобига 8 та болалар боғчасида тарбияланаётган хўжалик аъзоларининг 600 нафар фарзандларининг тўлови тўла таъминланмоқда. Айни кунларда иқтисодий ночор хўжаликлардаги қатор болалар боғчалари ёпиб қўйилганини тилга олсак, бу тажриба ғоят аҳамият касб этади. Ушбу тажрибанинг яна бир муҳим жиҳати бор: рапқонликлар ўз турмуш фаровонлиги йўлида меҳнат қилишни истайдиган кишилар учун республикамизда барча шарт-шароит мавжуд эканини амалда исботламоқдалар.

IV. ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ

Бултур бешарикликлар фақат етиштирилган пахта ҳисобидан **720 миллион сўмдан зиёд даромад қилдилар.** Бу маблағ билган киши учун ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсиб боришини, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини таъминловчи омилдир.

Мана, мисолларга эътибор беринг.

1997 йилнинг ўзида туманда **41 километрлик табиий газ, 21 километрлик ичимлик суви тармоқлари бунёд этилди.** Натижада **аҳолининг 74 фоизи табиий газ, 86 фоизи эса ичимлик суви билан таъминланди.** Шунингдек, 617 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, **қарийб 20 та иншоот ишга туширилди.** Ҳожибек қишлоғидаги янги мактаб биноси, деҳқон бозори филиали, Ғамбой қишлоғидаги шифохона, Бешарикдаги Миллий банк биноси, бошқа қишлоқлардаги 50 ўринли чойхона, савдо ва маиший хизмат шохобчалари шулар жумласидандир. Шу кеча-кундузда эса Қумқишлоқда врачлик пункти, Яккатут қишлоғида замонавий шифохона, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудида 140 ўринли оналар ва болалар сиҳатгоҳи тезкорлик билан қурилмоқда.

– Бешариқ ҳудуди бўйича 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган, – деди биз билан суҳбатда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Раҳимберди Эҳсонов. – Мазкур ҳужжатга биноан, 1998 йил– Оила йили ва ундан кейинги муддатларда яна қатор иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилади. Бунинг учун бизда маблағ ҳам, шароит ҳам, имконият ҳам мавжуд.

Йўлбошчимиз маърузаларидан бирида: **«Ислоҳот ислоҳот учун қилинмайди, ислоҳот номигагина қилинадиган иш эмас, ҳар қандай ислоҳот биринчи навбатда инсонлар манфаатларини кўзлаб, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш учун амалга оширилади»,** – деб таъкидлаган эди. Бу мақсадга эришиш учун, албатта, замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда қадам ташламоқ керак. Бешариқ туманида айни шу ҳолатни кузатдик. Ва бир нарсадан беҳад қувондик. **Одамлар қишлоқда нима учун ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини англаб, бу борада қўлга киритилган ютуқларни ўз кўзлари билан кўриб,** эртанги кунга тўла ишонч ҳосил қилган ҳолда ана шу ютуқларни кўпайтириш йўлида астойдил саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

БИР ХАТ ИЗИДАН

ҲОКИМЛИККА ЭСЛАТМА

Матбуотни давр кўзгуси деймиз.

Таҳририятимизга ҳар куни кўплаб мактублар келади. Уларнинг мазмун-моҳияти билан танишиб, имкон даражасида газетамизда чоп этамиз. Айримларининг нусхаларини сақлаган ҳолда қўшимча маълумот олиш учун мутасадди ташкилотларга жўнатамиз. Бинобарин «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига биноан, **журналист, ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.**

Шунга қарамай гоҳида таҳририятга келган, ўрганилиб, лозим топилиб, жойларга юборилган баъзи шикоятлар бўйича мутасаддилардан зарур ахборотлар вақтида етиб келмаётир.

Бир мисол: Шеробод туманидан келган хатни аниқлик киритиш мақсадида Сурхондарё вилоят ҳокимлигига юборганимизга икки ойдан ошди. Афсуски, ҳанузгача жавоб ололмадик. Ҳокимликдаги масъул кишиларга хатнинг нусхаси қўлимизда турганлиги боис яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик.

ХЎЖАЛИКНИНГ АҲВОЛИ ТАНГ

Гапни узоқдан бошласак.

Хўжалигимиз 1996 йилда пахта ва галла режаларини бажарди. Лекин ўйланмасдан қилинган харажатлар натижасида маҳсулотлар таннархи ҳаддан зиёд қимматга тушди. Масалан, галла ҳосили хўжаликдаги мавжуд техникалар қолиб, қўшни тумандан улов ёллаб ташилди. Натижада 1 килограмм галланинг таннархи 62 сўмга тўғри келди. Хўжалик йилни 20 миллион зарар билан якунлади.

Бундан ташқари жамоа хўжалиги 1996 йил пахтаси учун 151 тонна пахта ёғи олиши керак эди. Минг афсус, унинг 60 тоннаси одамларга тарқатилди, холос. Жон бошига 6 килограммдан пахта ёғи берилди. Сабаби нима?

1997 йилда ҳам аҳвол яхшиланмади.

Ўтган йилги режа бўйича 1761 гектарга галла экилиши керак эди. Амалда эса 1200 гектар ерга уруғ сочилди. Натижада галла ишлаб чиқариш ҳамда давлатга топшириш ҳам барбод қилинди.

Яна бир гап. 1997 йил пахта йиғим-теримида қатнашган ёрдамчиларга хўжалик ҳисобидан пахта ёғи, фартук тарқатилган ва кейинчалик эса бунинг учун нақд пул ундирилган.

Ёқа ушлайдиган яна бир воқеа, 1996 йилда раисимиз Гулбой Бўриев Атлантага саёҳат қилган. Бизни ўйлантирган томони хўжаликнинг аҳволи зил бўлсаю, у киши кимнинг ҳисобига ҳордиқ чиқардийкан?!

Биз яшаётган В. Қодиров номли жамоа хўжалигининг бир пайтлар донги кетган эди. Ҳамма ҳавас қиларди. Бугун эса...

Н. ЭРГАШЕВ,
Ж. ИБРОҲИМОВ,
С. ВАЛИЕВ,
Ж. САФАРОВ ва бошқалар,
жамоа хўжалиги аъзолари,
Шеробод тумани.

OPPORTUNITIES FOR TRANSLATORS

BBC World Service Monitoring gathers news from Central Asian broadcast and press sources. Our office in Tashkent is looking for translators into English with an excellent-preferably native-level-knowledge of Pashto language.

Those interested should contact DinaraTadjibaeva on 686212 or 406446 during office hours (09.00 to 17.00) Monday to Friday.

Тошкент шаҳридаги
«Саховат-нон»
очиқ турдаги
ҳиссадорлик жамияти акциядорлари
ДИҚҚАТИГА!
1998 йил 20 апрель
сешанба куни соат 11.00 да
жамият биносида Акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 1997 йилдаги иш якунлари ҳисоботи.
2. Жамият бошқарув органларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. Жамият кузатув кенгашини сайлаш.
4. Тафтиш комиссиясини сайлаш.
5. 1997 йил учун дивидендларни тасдиқлаш.
6. 1998 йилдаги асосий фаолият йўналишларини белгилаш.
7. Бошқа масалалар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 1 квартал. Проектная кўчаси 35-г.
Телефонлар: 96-48-77, 96-86-85.



Баҳор кулгулари. Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) сурат-лавҳаси.

НИГОҲ

ҚИТЪАЛАР ЮРТИМИЗДА ТУТАШАДИ

Ватанимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири халқаро транспорт коммуникациялар тармоғини барпо этиш ва Ғарбу Шарқнинг денгиз бандаргоҳларига элтувчи янги йўлларни вужудга келтиришдан иборатдир. Бу улкан ишни амалга ошириш жуда йирик маблағни, ақлий салоҳият ва уддабуронликни талаб қилади.

Президентимизнинг Озарбайжон ва Грузияга қилган расмий ташрифлари чоғида Ўзбекистонни Европа билан боғлайдиган янги йўлга асос солинди. Таъбир жоиз бўлса дунё бўйлаб сузиб юрган Ўзбекистон кемаси Европанинг яна бир бандаргоҳига лангар ташлади.

Йўлбошчимиз Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида фақат битта йўлга боғланиб қолмаслиги учун, Тинч, Ҳинд, Атлантика океани портларига элтувчи муқобил автомобиль ва темир йўл тармоқларини барпо этишни таъкидлаган эди. Транскавказ йўлаги — ТАРСЕКАнинг вужудга келганлиги кўзланган мақсадларимиз йўлидаги муҳим қадам бўлди. Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия сингари давлатлар ҳудудидан ўтиб, Поти шаҳри портига туташувчи мазкур трасса мамлакатимизни Европа бозорлари билан боғловчи энг қисқа йўлдир. Манзилнинг яқинлиги жуда катта иқтисодий самара берса, Қора денгиз соҳиллари томон Транскавказ йўлагининг мавжудлиги мамлакатимизни фақат шимолдаги йўлга қарам қилиб қўймайди. Бу ўринда ТАРСЕКАнинг муҳим геосиёсий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ҳозир Ўзбекистон ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 78 мамлакатига экспорт қилмоқда. 1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Эндиликда хорижга экспорт қилинадиган ва у томондан юртимизга олиб келинадиган маҳсулотларнинг каттагина қисми ана шу йўл орқали ташилади. 1997 йилда Грузиянинг Қора денгиз бўйларидаги портларидан 200 минг тонна импорт товарлари мамлакатимизга, 150 минг тонна пахта толаси эса чет элларга жўнатилиши режалаштирилган.

Маълумки шу йилнинг бошида пойтахтимизда Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон ҳукуматлари делегациялари Транскавказ йўлаги инфратузилмаларини жаҳон стандартлари даражасида қуриш ва таъмирлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилган эди.

Фороб-Туркманбоши-Боку-Поти темир йўл станциялари орқали экспортга жўнатиладиган юкларни Бухоро омборларида тўплаш ва уни жўнатиш бўйича хорижий шериклар билан ҳамкорликда «Транс Уорлд экспресс» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу мазкур йўлдаги энг асосий инфратузилма тармоқларидан бири бўлиб, ушбу терминалда юклар ҳужжатларини расмийлаштириш, пахта толасини текшириш ва сертификациялаш ишлари амалга оширилади. Авваллари худди ана шундай юмушлар хорижий портларда бажарилар, бу эса катта маблағ ва вақт талаб қилар эди.

ТАРСЕКАдан қатор давлатлар манфаатдор. Мамлакатимиз шарқида шитоб билан бунёд этилаётган Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом-Қашқар йўли билан Транскавказ йўлаги туташиши асримиз сўнггида ўз ижобатини топган улуғвор ишлардан бири сифатида таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон ана шу икки йўл барпо этилишининг ташаббускори сифатида Ғарб ва Шарқ туташган муҳим иқтисодий марказга айланмоқда. Олис Хитойдан Европани кўзлаб йўлга чиққан ёки у томондан Марказий Осиё ва узоқ Тинч Океани соҳиллари томон кетаётган савдо карвонлари юртимиз ҳудудидан ўтади. Шу боис айни пайтда йўлларимиз бўйида замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари ва техник станциялар қурилиши авж олмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Жиззахдаги «Сангзор» автокемпинги жаҳон стандартлари талабига мос равишда қайта таъмирланди, Самарқанд шаҳри атрофида эса мўъжаз меҳмонхона, автомобилларни таъмирлаш устахонаси, машиналар учун турар-жой комплекси қуриб битказилди. Бунёд этилаётган бундай замонавий автокарвонсаройлар ва объектлар ўзбек халқи маданияти, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тимсоли бўлиб қолади.

Жалолиддин САФОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШОИР ЁДИ

Яқинда ЎзФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида атоқли шоир ва драматург, йирик жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни ЎзФА вице-президенти, академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов очди. Олим ушбу йиғилиш улуғ ижодкор таваллудининг 110 йиллиги арафасида ўтаётганлиги ва истиқлол руҳи билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли муҳимлигини айтди. Шундан сўнг филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмов «Ҳамза ва истиқлол» мавзуида маъруза қилди.

Маърузачи шу вақтгача республикамиз олимлари томонидан Ҳамза ҳаёти ва меросини ўрганиш бўйича қилинган ижобий ишлар, бу соҳада навбатда турган долзарб масалалар хусусида батафсил фикр юритди. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Мамажон Раҳмонов «Ҳамза ва Маннон Уйғур», профессорлардан Тўра Мирзаев «Ҳамза ва фольклор», Умарали Норматов «Паранжи сирлари»нинг бадиий хусусиятлари», Ҳафиз Абдусаматов «Ҳамза Абдулла Қаҳҳор нигоҳида», доцентлардан Муҳсин Олимов «Ҳамза ва Чўлпон», Сотимжон Холбоев «Мунавварқори ва Ҳамза», филология фанлари номзоди Нурбой Жабборов «Ҳамза ва Фурқат мактаб тизими ҳақида» мавзусида янги факт ва мулоҳазаларга бой қизиқарли илмий чиқишлар қилишди.

Шерали ТУРДИЕВ.

UZLADA

Ўзбекистон ВАЗ фирмали Автомаркази тизими «Ўзбек-Лада» Акционерлик уюшмасига бирлашиб, «ЎзДЭУавто Ко» Акционерлик жамиятининг расмий дилери бўлди ва

мамлакатимизда чиқарилаётган автомобилларни сотишни бошлади.

Сизга мамнуният билан маълум қиламизки, бизнинг сотувда автомобилларнинг хилма-хил моделлари бор ва истаганингизни танлаб, харид қилишингиз мумкин.

Қуйидаги автомобиллар "ЎЗДЭУавто Ко" Акциядорлик уюшмасидан автомарказгача темир йўл транспортида келтирилади.

Аъло сифатли хизмат ва ҳужжатларни тез расмийлаштирилиши кафолатланади. Ташқи безаклар, машиналар тагини занглаш ва чиришдан асрайдиган ишловлар қилиб берамиз. Автомобиллар қўлингизга тайёрлаб берилади, кафолат ва кафолатдан кейинги хизматлар аниқ ҳужжатларда кўрсатилади. Биринчи текин кафолатли хизмат пайтида фильтр ва мой бепул алмаштирилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:

1. Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 27. "Ўзбек-Лада" АЖ. Тел.: 79-28-73, 76-75-54.
2. Андижон шаҳри, 5-микрорайон, Амир Темур кўчаси, 18. "Шаҳрихон-Лада" АЖ. Тел.: (8-374-2) 26-95-48, 26-73-26.
3. Фарғона шаҳри, Тўқимачилар кўчаси, 3. "Фарғона-Лада" АЖ. Тел.: (8-373-2) 25-66-71, 25-74-92.
4. Наманган шаҳри, Айний кўчаси, 88. "Наманган-Лада" АЖ. Тел.: (8-369-22) 4-28-44, 4-28-08.
5. Янгиер шаҳри, 37-даҳа, "Янгиер-Лада" АЖ. Тел.: (8-367-3) 72-34-78, 72-27-20.
6. Жиззах шаҳри, Р. Исаев кўчаси, "Санзор-Лада" АЖ. Тел.: (8-372-22) 3-47-79.
7. Бухоро шаҳри, Моҳи-Хоса кўчаси, 22. "Ситора-Лада" АЖ. Тел.: (8-365-22) 4-49-80, 4-56-65.
8. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 3. ЗАЗ автомаркази, Тел.: (8-366-2) 29-17-25.
9. Қарши шаҳри, Накшад кўчаси, 99. "Қашқадарё-Лада" АЖ. Тел.: (8-375-22) 3-69-92, 3-62-92.
10. Ангор шаҳри, Ангор тумани, М. Азизов жамоа хўжалиги. "Сурхон-Лада". Тел.: (8-376-31) 2-26-60, 2-29-86.
11. Навоий шаҳри, Кармана, Раҳимов кўчаси, 6. "Навоий-Лада" АЖ. Тел.: (8-436-53) 3-42-15, 2-37-14.
12. Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 1. "Аму-Лада" АЖ. Тел.: (8-362-37) 5-36-97.
13. Нукус шаҳри, Беруний кўчаси, 1. "Орол-Лада" АЖ. Тел.: (8-361-22) 3-39-00.

Тошкент шаҳридаги "Ўзбек-Лада" Акциядорлик жамиятига танлов асосида қуйидаги ишларга таклиф қиламиз: БОШ ЭКОНОМИСТ, ҲИСОБЧИ, КОТИБ-РЕФЕРЕНТ, КАДРЛАР БЎЛИМИ ХОДИМИ, ЭҲМ ОПЕРАТОРИ (ЭҲМни билиши шарт).

Реклама ва эълонлар 136-09-25

ТАШКИЛОТ

Лак-бўёқ маҳсулотларини энг арзон нархларда сотади.

1. Цинкли оқ бўёқ	1 кг.	135 сўм.
2. Ёғли кўк бўёқ	1 кг.	130 сўм.
3. Ёғли пол бўёғи	1 кг.	125 сўм.
4. Шифт учун қизил-жигарранг бўёқ	1 кг.	125 сўм.
5. Оқ эмаль	1 кг.	210 сўм.
6. Пол эмали	1 кг.	195 сўм.
7. Кўк эмаль	1 кг.	200 сўм.
8. Олифа	1 кг.	120 сўм.

Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12



UZDUNROBITA cellular

Тошкент
Самарқанд
Бухоро
Андижон
Фарғона
Наманган
Урганч
Хива
Навоий
Қарши
Гулистон
Қўқон
Термиз
Янгийўл
Чирчиқ
Жиззах

Диққат!

«ЎЗДУНРОБИТА» қўшма корхонаси Тошкент шаҳрида сифатли ҳамда ишончли уяли алоқани Сизга ҳавола қилади.

Пойтахтимиз доирасида уяли алоқани янада мустаҳкам ва ишончли қилишга интилиб, бизнинг компания муҳандислари мукаммаллаштирилган рақамли йўналишларни ишлаб чиқармоқдалар.

Буни ҳисобга олиб, 1998 йилнинг 28-мартидан 30 мартигача шаҳримизнинг баъзи туманларида алоқа тизимида бўладиган вақтинчалик ноқулайликлар учун Сизлардан узр сўраймиз.

"Ўздунробита" қўшма корхонаси.

16 000 дан зиёд абонентлар

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жойлашган майдонининг 90 фоизга яқини уяли алоқа воситамиз билан қопланган.

Ўзбекистон ҳудудида автоматлашган роминг

Кеча-кундуз ахборот маълумот хизмати: 30-09-09, 31-09-09 ва 611 ("Ўздунробита" ККси уяли телефони орқали).

Сервис-Марказ: Савдо бўлими, абонентларга сервис хизмати. Манзил: У. Юсупов кўчаси, 1-А.

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси жамоаси «Буюк Амир Темур» фильми дирекциясининг Бош директори Сайдамин Аҳроровга рафиқаси

Маъмурахон ШАҲОБОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси бошқаруви жамоаси «Махсус созлаш» ҳиссадорлик жамияти бош директори

Ҳамиджон МУҲАМЕДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, касаба уюшма қўмитаси вазирлик бошқарма бошлиғи Наил Юсуповга отаси

Гали ЮСУПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент китоб-журнал фабрикаси маъмурияти фабрика ишчиси Жўравой Умаровга падари бузруквори

Исроил ота УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, касаба уюшмаси, вазирликнинг Иқтисодий ислоҳотлар, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи Пўлатбек Қосимбековга волидаи муҳтарамаси

Ойша ая САФАРБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси қўмита ходими Саодат Глуховага волидаи муҳтарамаси

Антонина ЧЕЧУЛИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.20* 1 2 3 4 5 6